

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИLMИЙ–ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИLMИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01 РАҚАМЛИ ИLMИЙ КЕНГАШ

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИLMИЙ–ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ЖАББОРОВ ОДИЛ АБДИМАЛИКОВИЧ

**СУҒОРИЛАДИГАН ТУПРОҚЛАР УНУМДОРЛИГИ ДИНАМИКАСИ ВА
УНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ (ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

03.00.13 – Тупроқшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственных наук**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on agricultural
sciences**

Жабборов Одил Абдималикович

Суғориладиган тупроқлар унумдорлиги динамикаси ва уни ошириш
йўллари (Жиззах вилояти мисолида)..... 3

Жабборов Одил Абдималикович

Динамика плодородия орошаемых почв и пути его повышения (на
примере Джизакской области)..... 21

Jabborov Odil Abdimalikovich

Dynamics of fertility of irrigated soils and ways to increase it (on the example
of Jizzakh region)..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 45

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИLMИЙ–ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИLMИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01 РАҚАМЛИ ИLMИЙ КЕНГАШ**

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИLMИЙ–ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ЖАББОРОВ ОДИЛ АБДИМАЛИКОВИЧ

**СУҒОРИЛАДИГАН ТУПРОҚЛАР УНУМДОРЛИГИ ДИНАМИКАСИ ВА
УНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ (ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

03.00.13 – Тупроқшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Qx396 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти хузуридаги илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.soil.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қўзиёв Рамазан

биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Юлдашев Ғулом

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.
Фарғона давлат университети

Фахрутдинова Машкура Фазлитдиновна

биология фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий Университети

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3 уй. Тел.:(+998) 71-246-09-50; факс: (+998) 71-246-76-00; e-mail: info@soil.uz)

Диссертация билан Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3 уй. Тел.:(+998) 71-246-15-38

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ №__ - рақамли баённомаси)

Ш.М.Бобомуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., катта илмий ходим

Ж.М.Қўзиёв

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, қ.х.ф.ф.д., катта илмий ходим

Н.Ю.Абдурахмонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, б.ф.д.,
катта илмий ходим

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда суғориладиган тупроқларнинг сифати ва таркиби йил сайин ўзгаришга учрамоқда, жумладан, «дунёда 1,5 млрд. гектар ҳайдаладиган ерларнинг 0,4 млрд. гектари юқори сифатли, 0,8 млрд. гектари яхши сифатли ва 0,3 млрд. гектари унумсиз ерлардир. Тупроқларнинг шўрланиши унумдорликнинг пасайишига жиддий таъсир кўрсатмоқда»¹. Шу сабабли тупроқларнинг унумдорлигига таъсир этувчи деградация жараёнларини аниқлаш, бундай салбий жараёнларни олдини олишга қаратилган илмий ечимлар ишлаб чиқиш орқали тупроқ унумдорлигини ошириш ва муҳофазалаш ҳамда ер ресурсларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда турли салбий жараёнлар таъсирида деградацияга учраган, унумдорлиги ва сифат кўрсаткичлари пасайган ерлардан самарали фойдаланиш йўллари топиш, уларнинг унумдорлигини тиклаш орқали қишлоқ хўжалиги экинларидан кўзланган ҳосил олишга қаратилган илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, турли даражада шўрланган тупроқларнинг шўрини ювиш, коллектор-зовур тизими фаолиятини тўғри йўлга қўйиш, ҳудудга мос экин турларини танлаш ва экиш, тупроқ унумдорлигини доимий равишда кузатиб бориш орқали ер ресурсларини бошқаришга оид илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда тупроқ унумдорлигини аниқлаш, уни мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини қайта тиклаш ва муҳофазалаш ҳамда ерлардан самарали ва оқилона фойдаланиш бўйича кенг қамровли илмий-тадқиқотлар олиб борилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, замонавий агротехнологияларни жорий этиш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш»² бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Шунинг учун ҳам суғориладиган тупроқлар унумдорлигига салбий таъсир этувчи шўрланиш, гумус ва озиқа элементларининг камайиши, ювилиш ва бошқа тупроқ хоссаларини аниқлаш, тупроқ хоссаларидаги ўзгаришларнинг тупроқ унумдорлигига таъсирини башоратлаш асосида ерлардан самарали ва оқилона фойдаланиш борасидаги илмий-тадқиқотлар кўламини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа

¹ <http://www.fao.org>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Суғориладиган тупроқларининг унумдорлик ҳолати, уни сақлаш ва оширишга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар хорижлик олимлардан Н.П.Мелихова, А.А.Зибаров, Н.В.Онистратенко, С.Г.Котченко, А.Я.Воронин, L.Weixing, Q.Chunlian, S.Yang, B.Wenming, L.Lingli, M.F.Atemkeng, N.Neba R. Lal, S. L.Tisdale, W. L.Nelson, J.D.Beaton, F.R.Troeh, L.M.Thompson, P.Mäder, A.Fliessbach, D.Dubois, L.Gunst, P.A.Sanchez, C.A.Campbell, H.Tiessen, E.Cuevas, P.Chacon, P.A.Sanchez, K.D.Shepherd, M.J.Soule, S.D.Garrett ҳамда республика олимларидан М.У.Умаров, А.М.Расулов, Д.Р.Исмаев, Л.Т.Турсунов, И.Турапов, Р.Қ.Қўзиев, М.М.Тошқўзиев, Л.А.Гафурова, Р.Қурвантоев, Ш.М.Бобомуродов, Н.Ю.Абдурахмонов, И.У.Уразбаев, А.У.Ахмедов, И.А.Зиямухаммедов, А.Ж.Исмонов, Ў.Т.Собитов ва бошқалар томонидан олиб борилган. Лекин, тупроқларнинг унумдорлигини шўрланишнинг турли даража ва типлари таъсирида ўзгариши ва унинг оқибатида сифат кўрсаткичи бўлган бонитет балларини ҳисоблаш ва шу асосида тегишли тадбирларни ишлаб чиқишга йўналтирилган тадқиқотлар етарлича амалга оширилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №2019-01 «Жиззах вилоятидаги қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг тупроқ мониторинги мақсадларида тадқиқ этиш учун стационар ва ярим стационар экологик майдончаларда режим кузатувларини бажариш» (2019 й.) ва №2018-15 «Жиззах вилояти барча туманларида мавжуд фермер хўжаликлари ва бошқа ердан фойдаланувчилар суғориладиган ерларининг тупроқ карталарини тузиш ва тупроқ сифатини баҳолаш ишларини бажариш» мавзусидаги шартномалари доирасида бажарилган (2018 й.).

Тадқиқотнинг мақсади Жиззах вилояти суғориладиган тупроқларининг хосса-хусусиятлари, мелиоратив ҳолати ва унумдорлигида содир бўлган ўзгаришларни аниқлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланишга қаратилган илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

суғориладиган тупроқларнинг морфологик, морфогенетик хусусиятлари, физикавий ва агрокимёвий хоссаларини аниқлаш;

суғориладиган тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини қиёсий ўрганиш, динамикасини таҳлил қилиш ва шўрланиш тенденциясини аниқлаш;

суғориладиган тупроқларининг сифат жиҳатдан баҳолаш ва унумдорлик даражасини белгилаш;

массивларнинг 1:10000 микёсли тупроқ сифатини баҳолаш хариталарини тузиш;

баҳолаш маълумотларини олдинги тур тадқиқот натижалари билан таққослаш ва унумдорлик даражаларидаги ўзгаришларни аниқлаш;

суғориладиган тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини ҳисобга олган ҳолда тупроқлар унумдорлигини сақлаш, ошириш ва ерлардан самарали фойдаланишга қаратилган илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Жиззах вилоятида тарқалган суғориладиган типик бўз, оч тусли бўз, бўз-ўтлоқи ва ўтлоқи-бўз, ўтлоқи ва ўтлоқи-ботқоқ тупроқлар танланган.

Тадқиқотнинг предмети тупроқларнинг унумдорлик ҳолати, механик таркиби, гумус ва озика элементлар миқдори, шўрланиш динамикаси, пасайтирувчи коэффициентлар, тупроқ сифатини баҳолаш хариталари, бонитет баллари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар дала, лаборатория ва камерал шароитларда тупроқшуносликда умумқабул қилинган стандарт услублар бўйича амалга оширилган бўлиб, кимёвий таҳлиллар тупроқшунослик йўналишида халқаро ISO сертификатига эга лабораторияда бажарилган, жумладан, тупроқ намуналарини олиш, сақлаш, лаборатория тажрибаларини ўтказиш ГОСТ:17.4.3.01–83 Давлатлараро стандарт, унумдор қатлами бузилган тупроқ хоссаларини ўрганиш ГОСТ:17.4.2.02–83 Давлатлараро стандарти, тупроқлардаги калций, магний миқдори ГОСТ 26428-85, гипс миқдори экспресс методи, сувли сўрим, рН-муҳит ГОСТ 26423-85, тупроқнинг зичлиги ГОСТ 5180-84, гумус миқдори ГОСТ 26213-91 давлатлараро стандарт асосида, тупроқнинг механик ва гранулометрик таркиби O`zDSt 817-97 давлат стандарти асосида аниқланган, тегишли хариталар «ArcGIS» дастури, статистик қайта ишлаш Б.А.Доспехов усули бўйича бажарилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

суғориладиган автоморф, ярим гидроморф ва гидроморф тупроқлардаги шўрланиш ва шўрсизланиш жараёнларининг йиллар давомидаги тенденцион ўзгаришлари аниқланган;

худуднинг суғориладиган автоморф тупроқларида ювилиш, гидроморф тупроқларида эса шўрланишни етакчилик қилиши аниқланган ва уларнинг унумдорликка салбий таъсири асосланган;

худуднинг сўнгги 10 йиллик тупроқ унумдорлиги тўғрисидаги маълумотларни солиштириш асосида суғориладиган тупроқлар унумдорлигида содир бўлган ўзгаришлар очиб берилган;

худуд суғориладиган тупроқларнинг 9,5 фоизи алоҳида қимматга эга ер майдонлар эканлиги ҳамда нисбатан энг юқори унумдорлик типик бўз тупроқлар ҳиссасига тўғри келиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Жиззах вилояти суғориладиган тупроқларининг унумдорлигини сақлаш ва қайта тиклаш, улардан самарали фойдаланиш бўйича тадбирларни белгилаш мақсадида массивларнинг 1:10000 миқёсли тупроқ шўрланиш ва тупроқ сифатини баҳолаш ҳамда фермер хўжаликларининг 1:5000 миқёсли тупроқ сифатини баҳолаш хариталари тузилган;

суғориладиган тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, тупроқ унумдорлигига салбий таъсир этувчи жараёнларни олдини олишга, тупроқ унумдорлигини барқарорлаштиришга ҳамда улардан самарали фойдаланишга қаратилган илмий асосланган тавсия ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотлар дала, лаборатория ва камерал усуллардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, кимёвий таҳлиллар халқаро ISO сертификатига эга замонавий лабораторияда бажарилганлиги, назарий ва амалий натижалар бир-бирига мослиги, тадқиқот натижаларининг республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама этилганлиги, шунингдек, Олий Аттестация Комиссияси томонидан эътироф этган нуфузли хорижий ва республика илмий журналлари даврий нашрларида чоп этилганлиги, натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Жиззах вилояти суғориладиган тупроқларнинг хосса-хусусиятларининг шаклланиши, ривожланиш шароитлари ва унумдорликка таъсири, морфогенетик, агрофизикавий ва агрокимёвий хоссаларини суғорма деҳқончилик таъсирида ўзгариши, тупроқларда содир бўлаётган жараёнлар динамикаси кўрсатиб берилганлиги, суғориладиган тупроқларнинг ҳозирги ҳолати ва уларнинг унумдорлигини сақлаш, ошириш ҳамда ер ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишнинг илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ҳудудлар учун тузилган 1:10000 миқёсли тупроқ шўрланиши ва тупроқ сифатини баҳолаш хариталаридаги маълумотлар ва тавсиялар тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, деградация жараёнлари таъсирини юмшатиш, унумдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун пахта хом-ашёси етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш, ерларнинг норматив қийматини ҳисоблаш ва ягона ер солиғини белгилаш, ерларни ноқишлоқ хўжалик мақсадларига ажратиш бўйича чора-тадбирлар белгилашда асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши. Суғориладиган тупроқлар унумдорлиги динамикаси ва уни ошириш йўллари бўйича олинган илмий натижалари асосида:

«Жиззах вилояти тупроқларининг унумдорлигини қайта тиклаш ва ошириш ҳамда ер ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар» тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган (Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2020 йил 05 августдаги 03-04-7019-сон маълумотномаси). Натижада, вилоятидаги турли тупроқ-иклим шароитларида шаклланган мелиоратив ҳолати ёмон, ер ости сувлари кўтарилган, шўрланган, гипслашган, эрозияланган суғориладиган тупроқлар унумдорлигини қайта тиклаш ва ошириш ҳамда ер ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича тадбирларни белгилашда қўлланма сифатида хизмат қилган;

Пахтакор тумани «Гулистон», Зарбдор тумани «Бўстон», Арнасой тумани «Мустақиллик», Мирзачўл тумани «Ўзбекистон» массивларидаги жами 9732,8 га суғориладиган ерларнинг 1:10000 миқёсли тупроқ шўрланиш хариталари амалиётга жорий этилган (Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2020 йил 05 августдаги 03-04-7019-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу харита маълумотлари ҳудудлардаги мавжуд ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш, ошириш ва муҳофазалаш ҳамда қишлоқ

хўжалик экинларини жойлаштириш бўйича тадбирлар белгилаш имконини берган;

Жиззах вилояти Пахтакор тумани «Гулистон», Зарбдор тумани «Бўстон», Арнасой тумани «Мустақиллик», Мирзачўл тумани «Ўзбекистон» массивларининг 1:10000 миқёсдаги тупроқ сифатини баҳолаш хариталари массивлар худудидаги фермер хўжаликлар фойдаланишлари учун амалиётга жорий этилган (Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2020 йил 05 августдаги 03-04-7019-сон маълумотномаси). Натижада, массивлардаги тупроқларнинг хосса-хусусиятлари ва унумдорлик даражасига қараб ерларнинг меъерий қийматини ҳисоблаш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш ва ошириш орқали ер ресурсларидан самарали фойдаланишга қаратилган чора-тадбирларни белгилашда хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларнинг апробацияси. Тадқиқот натижалари Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институти апробация комиссияси томонидан апробациядан ўтказилган ҳамда жами 8 та, жумладан 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та тавсия, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Суғориладиган тупроқларнинг ўрганилиш ҳолати ва уларнинг таҳлили**» деб номланган биринчи бобида Жиззах вилояти бўйича ҳамда дунё миқёсида тупроқ унумдорлигини ошириш, қайта тиклаш ва уларга ўзига хос усуллар асосида инновацион ёндошувларнинг илмий таҳлили келтирилган. Адабиётлар таҳлиliga кўра, дунё ва республика бўйича тупроқларнинг унумдорлигини аниқлаш, баҳолаш, уларни ўзгариши, йиллик динамикалари турлича бўлишига тадқиқот худудининг табиий-иқлим шароитлари, тупроқ ҳосил қилувчи она жинси, тупроқнинг кимёвий таркиби, инсон томонидан қўлланилган тадбирларнинг таъсири эканлиги изоҳланган. Шу нуқтаи назардан тупроқлар унумдорлигини баҳолаш, уларнинг йиллик динамикаси бўйича аниқ натижалар олиш учун ҳар бир худуд учун алоҳида

ёндошув асосида тадқиқ қилиш лозимлиги долзарб вазифалар сифатида кўрсатиб берилган.

Диссертациянинг «Тадқиқот ўтказилган жойнинг табиий шароитлари» деб номланган иккинчи боби учта параграфдан иборат бўлиб, «Геологик, геоморфологик, литологик тузилиши ва рельефи» параграфида тадқиқот ҳудудининг геологик, геоморфологик, литологик тузилиши ва рельефи батафсил ёритилган ва унда бўз тупроқлар минтақасида шаклланган тупроқларга ҳудуднинг гидрогеологик ҳамда геоморфологик шароити таъсир қилганлиги илмий изоҳланган.

Ушбу бобнинг иккинчи параграфида тадқиқот ҳудудига тегишли иқлим маълумотлари келтирилган. Бунга кўра ўртача йиллик ҳарорат тадқиқот ҳудудларида 13–14⁰С ни ташкил қилиб, шундан энг юқори ҳарорат +47⁰С, энг паст ҳарорат эса –30⁰С га тенг эканлиги қайд қилинган. Бу ҳудудларда ўртача ойлик ҳарорат энг совуқ давр январь ойида –4,4⁰С –18⁰С гача, энг иссиқ кунлар июль ойида +28⁰С, +30⁰С ни ташкил этиши, Арнасой туманида энг минимал ҳарорат –28⁰С ни ва энг максимал ҳарорат +42⁰С +47⁰С ни ташкил қилиши келтирилган. Мазкур маълумотлардан шу нарса кўриниб турибдики, атмосферадан тушадиган ёғин-сочин ҳам бир текисда тақсимланмаган.

Ушбу бобнинг «Ўсимликлари» деб номланган параграфида ҳудудда тарқалган ўсимликлар дунёси, уларнинг келиб чиқиши, тарқалиш ареаллари бўйича олинган маълумотлар тавсифи келтирилган.

Диссертациянинг «Тадқиқот объекти ва услублари» деб номланган учинчи бобида Жиззах вилоятининг географик жойлашуви, тадқиқот объекти ва қўлланилган усуллар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Жиззах вилояти Ўзбекистон Республикасининг марказий қисмида жойлашган (Шимолий нуқта 41°17'62,02", 67°72'12,53", ғарбий нуқта 40°52'80,26", 66°67'20,59", жанубий нуқта 39°66'66,35", 67°77'61,85", шарқий нуқта 39°97'46,24", 68°74'29,82") бўлиб, ўзига хос табиий иқлим шароитига эга, ҳудудда турли тупроқ тип ва типчаларини шаклланишига имкон яратган.


Диссертациянинг «Тадқиқот ҳудуди тупроқларининг хосса ва хусусиятлари» деб номланган тўртинчи боби учта параграфдан иборат бўлиб, диссертациянинг «Суғориладиган тупроқларнинг айрим физикавий хоссалари» деб номланган биринчи параграфида тупроқларнинг физик-механик хоссалари тўғрисидаги маълумотлар баён қилинган.

Суғориладиган тупроқларнинг сув-физикавий, физик-кимёвий, агрокимёвий, биологик ва бошқа хоссалари уларнинг механик таркиби билан чамбарчас боғлиқ эканлиги қайд қилинган. Шу билан бирга тупроқнинг иссиқлик режими, ҳарорати, ишлов бериш вақтидаги солиштирма қаршилиги, тупроқнинг етилиш муддатлари, тузли эритмаларининг тупроқ қатламларида ҳаракатланиши (миграцияси) тупроқнинг механик таркибига боғлиқ эканлиги келтирилган.

Суғориладиган тупроқларнинг механик таркиби тўғрисидаги кимёвий таҳлил натижалари барча массивлар кесимида ўрганиб чиқилди. Натижаларга кўра, барча ҳудуд тупроқларида асосан енгил ва ўрта қумоқли механик таркибли тупроқлар яққол доминатлик қилиши кузатилди. Шунингдек, енгил қумоқлардан иборат бўлган тупроқларда физик лой (<0,01мм) заррачаларининг миқдори ҳайдалма қатламда 22,8-29,4 фоизни, ўрта қумоқли тупроқларда эса 31,8-39,8% оралиғида тебранади. Ушбу тадқиқот олиб борилган ҳудуд

тупроқларида йирик чанг (0,05-0,01мм) заррачалари яққол устунлик қилади, тупроқ қатламларида уларнинг миқдори 43,7-50,9 фоизни ташкил этиши кузатилди. Аввалги йилларда олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, таърифланган ушбу тупроқларнинг механик таркиби ҳам асосан енгил ҳамда ўрта кумоқли бўлиб, физик лой (<0,01мм дан кичик заррачалар) миқдори 32,9-42,6 фоизни ташкил этган. Кўриниб турибдики, ҳудудларда деярли бир-бирига жуда яқин механик таркибли тупроқлар гуруҳини ташкил қилсада, суғорма деҳқончилик таъсирида тупроқ профилининг ўрта қатламларида ил заррачалари миқдорининг нисбатан кўпроқ тўпланганлиги кузатилди.

Жиззах вилояти суғориладиган тупроқларининг механик таркиби бўйича кумли механик таркибли тупроқлар 3,3%, кумлоқли тупроқлар 5,7%, енгил кумоқли тупроқлар 27,6%, ўрта кумоқли 53,3%, оғир кумоқли 7,3%, ва лойли механик таркибга эга бўлган тупроқлар эса 2,8 фоизни ташкил қилди (1-расм).



1-расм. Жиззах вилояти суғориладиган тупроқларининг механик таркиби бўйича майдони, % ҳисобида

«Ҳудуд тупроқларининг шўрланиш ҳолати ва уларнинг динамикаси» номли параграфда Жиззах вилояти туманларида тарқалган суғориладиган тупроқларнинг шўрланиш ҳолати ва унга тегишли кўрсаткичлар келтирилган.

Жиззах вилоятида суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш йўлга қўйилган бўлиб, уларнинг мелиоратив ҳолати ўртача ҳисобланади, яъни туманлар кесимида қараладиган бўлса, шўрланган майдонлар ҳудудларни тўлиқ эгаллаб олмаган. Ўрганилган туманларда тарқалган суғориладиган тупроқларнинг шўрланиш жараёнларига кўра асосан Зомин, Дўстлик, Арнасой, Зафаробод туманларида учрайди (1-жадвал). Тупроқларнинг мелиоратив ҳолати 2003-2018 йиллардаги ҳолати билан қиёсий солиштирилганда сезиларли фарқ кузатилди.

Тадқиқот натижаларидан кўриш мумкинки, тупроқларнинг шўрланиш ҳолати бўйича туманлар кесимида турли ҳолат вужудга келган, бу ҳудудларда олиб борилган мелиоратив тадбирлар маҳсулидир.

Зафаробод туманида суғориладиган ерлари 2018 йил 1 январь ҳолатига кўра 27613,0 гектар, шундан 63,38% турли даражада шўрланган, 2003 йилга нисбатан 3,92 фоизга камайган, шўрланмаган тупроқлар эса туман суғориладиган ерларининг 10111,0 гектарини ёки 36,62 фоизни ташкил этади (2-расм).

Зафаробод туманида шўрланган суғориладиган ер майдони 17502 гектар ёки суғориладиган ерларнинг 63,38 % ни ташкил этади. Кучсиз шўрланган тупроқлар туман суғориладиган ерларининг 8215,8 гектарни ёки 29,75 фоизни ташкил этади. Туманда кучсиз шўрланган тупроқларнинг шўрланиш типи хлорид-сульфатли ва сульфатли. Кучсиз шўрланган тупроқлар барча


худудларда учрайди. Ўртача шўрланган тупроқлар 8696,3 гектар бўлиб, туман суғориладиган ерларининг 31,49 фоизни ташкил этади.

1-жадвал


Жиззах вилояти суғориладиган тупроқларининг шўрланиш ҳолати ва тавсифининг қиёсий тавсифи (2003 ва 2018 йиллар)

Туманлар бўйича йиллар кесимида		Суғориладиган ер майдони, га.	Шўрланган ерлар		Ўртача, кучли ва жуда кучли шўрланган ерлар		
					жами суғориладиган майдонларга нисбатан		жами шўрланган майдонларга нисбатан
			га.	%	га.	%	га.
Зафаробод	2003 й	28806,3	19394,3	67,3	2246,6	7,8	11,6
	2018 й	27613,0	17502,0	63,38	9286,3	33,63	53,06
	фарқи (+/-)			-3,92		+25,83	+41,46
Пахтакор	2003 й	26445	20210	76,4	6481	24,5	32,1
	2018 й	27341,0	19187,1	70,18	7173,4	26,24	37,39
	фарқи (+/-)			-6,22		+1,74	+5,29
Зарбдор	2003 й	35536	26367	74,2	12996	36,6	49,3
	2018 й	34097,1	17519,1	51,38	7855,3	23,04	44,84
	фарқи (+/-)			-22,8		-13,56	-4,46
Дўстлик	2003 й	33968	33968	100,0	20688	60,9	60,9
	2018 й	34041,4	24355,5	71,55	14661,1	43,10	60,2
	фарқи (+/-)			-28,4		-17,8	+0,7
Арносой	2003 й	33237	32911	99,0	24710	74,3	75,1
	2018 й	31966,0	28445,4	88,99	13228,7	41,38	46,50
	фарқи (+/-)			-10,1		-32,92	-28,6
Мирзачўл	2003 й	29073	29073	100,0	22590	77,7	77,7
	2018 й	31182,8	30394,1	97,47	8626,0	27,66	28,30
	фарқи (+/-)			-2,53		-50	-49,4
Зомин	2003 й	31776	30952	97,4	17350	54,6	56,1
	2018 й	24663,2	23763,5	96,35	15506,6	62,90	65,30
	фарқи (+/-)			-1,05		+8,3	+9,2
Жами	2003 й	218841	192875	88,1	107061,6	48,9	55,5
	2018 й	210904,5	161166,7	76,4	76337,3	36,2	47,4
	фарқи (+/-)			-11,7		-12,7	-8,1

Шўрланиш типи бўйича, асосан хлорид-сульфатли ва сульфатли. Ўртача шўрланган тупроқлар ҳам туманнинг барча худудларида тарқалган. Кучли шўрланган тупроқлар 251,9 гектар бўлиб, тумандаги суғориладиган ерларнинг 0,91 фоизни ташкил этади. Шўрланиш типига кўра, асосан хлорид-сульфатли ва сульфатли. Жуда кучли шўрланган тупроқлар 338,1 гектар бўлиб, туман суғориладиган ер майдонларининг 1,22 фоизини ташкил этади.




2-расм. Зафаробод тумани суғориладиган тупроқларининг шўрланганлик даражасига кўра майдони, % ҳисобида




3-расм. Арнасой тумани суғориладиган тупроқларининг шўрланганлик даражасига кўра майдони, % ҳисобида

Арнасой туманида 2018 йилда жами суғориладиган ерлар 31966,0 гектар бўлиб, шундан 88,99 фоизи турли даражада шўрланган бўлиб, 2003 йилга нисбатан мелиоратив ҳолати яхшиланган ва 10,1 фоизга тупроқларнинг шўрланиш даражаси камайган. Шўрланмаган тупроқлар эса туман суғориладиган ерларининг 3520,6 гектарини ёки 11,01 фоизини ташкил этади (3-расм).

Мирзачўл туманида шўрланмаган ерлар 2,5%, кучсиз шўрланган ерлар 69,8%, ўртача шўрланган ерлар 25,8%, кучли шўрланган ерлар 1,3%, жуда кучли шўрланган ерлар эса 0,5% ни ташкил этади (4-расм).



4-расм. Мирзачўл тумани суғориладиган тупроқларнинг шўрланганлик даражасига кўра майдони, % ҳисобида



5-расм. Paxtakor тумани суғориладиган тупроқларнинг шўрланганлик даражасига кўра майдони, % ҳисобида

Пaxтакор туманида жами суғориладиган ерлар 27341,0 гектар бўлиб, шундан 19187,1 гектари, яъни 70,18% турли даражада шўрланган. 2003 йилга нисбатан 6,22 фоизга ортган. Шўрланмаган тупроқлар туман суғориладиган ерларининг 8154,0 гектарини ёки 29,82% ни ташкил этади (5-расм).

Ушбу бобнинг «Худуд тупроқларининг агрокимёвий хоссалари» деб номланган параграфида ўрганилган худуд тупроқларининг агрокимёвий хоссалари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Ўрганилган худуд тупроқларининг ҳайдов қатламида гумус миқдори 0,87-1,13% атрофида бўлиб, пастки қатламларга томон аста секин камайиб боради. Ҳаракатчан азот миқдори тупроқнинг ҳайдов қатламида 0,094-0,098% атрофида тебраниб тургани ҳолда, C:N бўлган нисбати 7,4-8,8 оралиқда бўлади. Фосфорнинг умумий миқдори тупроқнинг ҳайдов қатламида 0,320-0,420% ва ҳаракатчан миқдори эса 19,0-35,0 мг/кг атрофида тебраниб туради. Бу тупроқлар ҳаракатчан фосфор билан кам ва ўртача таъминланган тупроқлар гуруҳларига мансуб. Умумий калийнинг миқдори тупроқларнинг ҳайдов қатламида 1,87-2,02 фоизни, алмашинувчи калий эса 160,7-265,1 мг/кг атрофида бўлиб, барча кесмаларда пастки қатламлар томон камайиб бориши кузатилади. Бу тупроқлар калий билан асосан кам ва ўртача таъминланган гуруҳларга мансуб.

Арнасой туманидаги барча массивларда тарқалган тупроқлар гумус билан асосан жуда кам (29323,4 гектар) ва кам (2642,6 гектар) даражада таъминланганлиги кузатилди. Туманда тарқалган суғориладиган тупроқлар таркибида 1% гача бўлган гумус билан таъминланган майдонлар 91,7 фоизни, 2% дан юқори бўлган майдонлар эса 8,3% ни ташкил қилиши кузатилди. Бу эса маҳаллий ва ноанъанавий ўғитлардан оқилона фойдаланишни тақазо этади. Масалан, М.Улуғбек номли массивда жами 2010,0 гектар суғориладиган экин ер майдони мавжуд бўлиб, ушбу суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлар гумус

билан 1 фоизгача бўлган миқдорда эканлиги кузатилди. Аммо, ҳаракатчан фосфор билан 1343,3 гектари жуда кам (0-15 мг/кг), 666,7 гектари кам (16-30 мг/кг) даражада таъминланган. Алмашинувчи калий билан 414,8 гектари кам (101-200 мг/кг), 590,4 гектари ўртача (201-300 мг/кг), 1004,8 гектари юқори (301-400 мг/кг) таъминланган эканлиги қайд қилинди. Умуман олганда туманда тарқалган тупроқларнинг 5,6 % алмашинувчи калий билан жуда кам, 31,4 % кам, 41,8 % ўртача, 20,5% эса юқори ва 0,7 % жуда юқори таъминланган гуруҳларга мансублиги қайд қилинди.

Диссертациянинг «**Ер фонди, суғориладиган тупроқлар ва улар унумдорлигининг ҳозирги ҳолати**» деб номланган бешинчи боби иккита параграфдан иборат бўлиб, биринчи параграф «*Ер фонди ва тупроқ ресурслари*» деб номланади. Жиззах вилояти ер фондида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар 1446,8 минг гектарни ёки умумий ер фондининг 68,3 фоизини ташкил этади. Шу жумладан қишлоқ хўжалик учун мўлжалланган майдон 1183,3 минг гектарни, шундан 276,5 минг гектари интенсив деҳқончиликда фойдаланилаётган суғориладиган ерларни ташкил этади. Жиззах вилоятида табиий-географик шароитнинг турлича таъсирида тўқ тусли бўз, типик бўз, оч тусли бўз, бўз-ўтлоқи ва ўтлоқи-бўз ҳамда ўтлоқи тупроқлар шаклланган.

Суғориладиган деҳқончиликда фойдаланадиган ерларнинг асосий қисмини бўз-ўтлоқи ва ўтлоқи-бўз тупроқлардан иборат ва жами суғориладиган майдоннинг 75,9 фоизини ташкил этади.

Жиззах вилоятида энг кўп тарқалган тупроқлар бу оч тусли бўз минтақасида тарқалган бўз-ўтлоқи тупроқлардан иборат вилоят бўйича 67,1% ташкил қилади. Шунингдек, типик бўз тупроқлар 10,5%, ўтлоқи тупроқлар 6,9%, ўтлоқи-бўз тупроқлар 6,1 фоизни ташкил этади (2-жадвал).

2-жадвал

Жиззах вилояти суғориладиган тупроқларининг генетик гуруҳлари (типлари) бўйича ер фондининг тақсимланиши

Т/р	Тупроқлар номи	Майдони	
		га	%
1.	Тўқ тусли бўз	2706	0,9
2.	Типик бўз	31566	10,5
3.	Типик бўз тупроқлар минтақасидаги бўз-ўтлоқи	8117	2,7
4.	Оч тусли бўз	11123	3,7
5.	Оч тусли бўз минтақасидаги:		
	а) ўтлоқи-бўз	18338	6,1
	б) бўз-ўтлоқи	201721	67,1
6.	Ўтлоқи	20743	6,9
7.	Ўтлоқи-ботқоқ-	5111	1,7
8.	Бошқа ерлар	1203	0,4
Жами:		300627	100

«*Суғориладиган тупроқлар унумдорлигининг ҳозирги ҳолати*» деб номланган иккинчи параграфда Жиззах вилоятида тарқалган суғориладиган тупроқларнинг унумдорлиги тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Тупроқ унумдорлигини баҳолашда тупроқларнинг асосий хоссалари ва табиий шароитлари: тупроқнинг генетик келиб чиқиши, механик таркиби, гумус миқдори, шўрланиш даражаси, эрозияланганлиги, тош аралашганлиги, гипслашганлиги ва бошқа табиий омиллар ҳисобга олинади.

Жиззах вилояти бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра суғориладиган тупроқларнинг унумдорлиги белгиланди ҳамда сифат жиҳатдан баҳоланди. Ушбу тупроқларнинг унумдорлигини ва потенциал имкониятларини ҳисобга олиб, ерлар сифати бўйича тўртта – ўртачадан паст, ўртача, яхши, энг яхши кадастр гуруҳларига бирлаштирилди.

Биринчи гуруҳ (III-IV синф)-сифат жиҳатидан ўртачадан паст ерлар ҳисобланиб, бонитет балли 21-40 баллини ташкил қилади. Вилоятда бундай бонитет балли ерлар майдони вилоятда 14769,0 гектарни ёки жами суғориладган ерларнинг 5,1 фоизни ташкил қилади.

Иккинчи гуруҳ (V-VI синф) – сифат жиҳатидан ўртача ерлар ҳисобланиб, 41-60 бонитет балли, бундай бонитет балли ер майдонлари вилоятда 225054,6 гектарни ёки жами суғориладган ерларнинг 78,0 фоизни ташкил қилади.

Учинчи гуруҳ (VII-VIII синф) – сифат жиҳатидан яхши ерлар ҳисобланиб, 61-80 бонитет баллини ташкил этади. Вилоятда бундай бонитет балли ер майдонлари вилоятда 46668,0 гектарни ёки жами суғориладган ерларнинг 16,2 % ни ташкил қилади.

Тўртинчи гуруҳ (IX-X синф) – сифат жиҳатидан энг яхши ерлар ҳисобланиб, 81-100 бонитет баллини ташкил этади. Вилоятда бундай бонитет балли ер майдонлари 2060,0 гектарни ёки жами суғориладган ерларнинг 0,7 фоизни ташкил қилади.

Диссертациянинг «**Суғориладиган тупроқларнинг унумдорлиги динамикаси ва уни ошириш йўллари**» деб номланган олтинчи боби иккита параграфдан иборат, жумладан, «*Суғориладиган тупроқларнинг унумдорлик динамикаси*» деб номланган қисмида тупроқларнинг унумдорлик даражасини йиллар давомида ўзгариши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Ўрганилган ҳудудларда тўқ тусли бўз, типик бўз, оч тусли бўз, ўтлоқи-бўз ва бўз-ўтлоқи, ўтлоқи, ботқоқ-ўтлоқи ва ўтлоқи-ботқоқ тупроқлар тарқалган бўлиб, ушбу майдонларда олиб борилган комплекс тупроқ тадқиқотлари натижалари асосида тупроқлар унумдорлиги баҳоланди.

Суғориладиган тўқ тусли бўз тупроқлар – бўз тупроқлар зонасида энг юқори минтақани эгаллаб, паст тоғлар ва баланд тоғолди ҳудудларида жойлашган. Бу тупроқларнинг унумдорлигини ва потенциал имкониятларини ҳисобга олиб, ерлар сифати бўйича учта – ўртачадан паст, ўртача ва яхши кадастр гуруҳига бирлаштирилди.

Биринчи гуруҳ (III-IV синф) – сифат жиҳатидан ўртачадан паст ерлар ҳисобланиб, 21-40 бонитет баллини ташкил қилади. Вилоятда бундай бонитет балли тупроқларининг умумий майдони 5,9 гектар.

Иккинчи гуруҳ (V-VI синф) – сифат жиҳатидан ўртача ерлар ҳисобланиб, 41-60 бонитет баллини ташкил қилади. Вилоятда бундай бонитет балли тупроқларининг умумий майдони 2281,0 гектар.

Учинчи гуруҳ (VII-VIII синф) – сифат жиҳатидан яхши ерлар ҳисобланиб, 61-80 бонитет баллини ташкил қилади. Вилоятда бундай бонитет балли тупроқларининг умумий майдони 434,9 гектарни ташкил қилиб, суғориладиган тўқ тусли бўз тупроқлар ўртача 51,3 балл билан баҳоланди.

Суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар унумдорлигини ва потенциал имкониятларини ҳисобга олиб, ерлар сифати бўйича учта – ўртачадан паст, ўртача ва яхши кадастр гуруҳларига бирлаштирилди.

Биринчи гуруҳ (III-IV синф) – сифат жиҳатидан ўртачадан паст ерлар ҳисобланиб, 21-40 бонитет баллини ташкил қилади. Вилоятда бундай бонитет балли тупроқларининг умумий майдони 327,7 гектар.

Иккинчи гуруҳ (V-VI синф) – сифат жиҳатидан ўртача ерлар ҳисобланиб, 41-60 бонитет баллини ташкил қилади. Вилоятда бундай бонитет балли тупроқларининг умумий майдони 17507,1 гектар.

Учинчи гуруҳ (VII-VIII синф) – сифат жиҳатидан яхши ерлар ҳисобланиб, 61-80 бонитет баллини ташкил қилади. Вилоятда бундай бонитет балли тупроқларининг умумий майдони 1076,9 гектар бўлиб, суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар ўртача 44,1 балл билан баҳоланди.

Суғориладиган типик тупроқларининг унумдорлигини ва потенциал имкониятларини ҳисобга олиб, ерлар сифати бўйича тўртта – ўртачадан паст, ўртача, яхши ва энг яхши кадастр гуруҳларига бирлаштирилди.

Биринчи гуруҳ (III-IV синф) – сифат жиҳатидан ўртачадан паст ерлар ҳисобланиб, 21-40 бонитет баллини ташкил қилади. Вилоятда бундай бонитет балли тупроқларининг умумий майдони 72,7 гектар.

Иккинчи гуруҳ (V-VI синф) – сифат жиҳатидан ўртача ерлар ҳисобланиб, 41-60 бонитет баллини ташкил қилади. Вилоятда бундай бонитет балли тупроқларининг умумий майдони 26589,6 гектар.

Учинчи гуруҳ (VII-VIII синф) – сифат жиҳатидан яхши ерлар ҳисобланиб, 61-80 бонитет баллини ташкил қилади. Вилоятда бундай бонитет балли тупроқларининг умумий майдони 7335,5 гектарни ташкил қилади.

